



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 10 апрель, № 71 (4481)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 январда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши билдирилган ва баёнотлар билан қўшилсин:

1) **Конвенциянинг 7-моддаси 4-банди** буйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 7-моддасида кўрсатилган ахборотни юбориш ва олиш учун масъул орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати белгиланишини билдиради»;

2) **Конвенциянинг 9-моддаси 3-банди** буйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 9-моддасининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолларда Конвенциянинг 2-моддасига биноан жиноий деб топилган қилмишларга нисбатан ўзининг юрисдикциясига эга эканлигини билдиради»;

3) **Конвенциянинг 16-моддаси** буйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 16-моддаси қоидалари Конвенциянинг амал қилиши доирасига кирадиган жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ушлаб бериш ва ҳуқуқий ёрдам масалалари буйича халқаро ҳамкорлик самарадорлиги учун зарар етказмасдан таъминланган тарзда қўланилиши керак эканлигидан келиб чиқади»;

4) **Конвенциянинг 23-моддаси 2-банди** буйича: «Ўзбекистон Республикаси ўзини Конвенциянинг 23-моддаси 1-банди қоидалари билан боғланган деб ҳисобламаслигини баён этади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 9 апрель  
№ ЎРҚ — 146

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги 221-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик мuddати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган ёки яроқлилик мuddати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда реализация қилиш ман этилади»;

2) **21-модданинг иккинчи қисми** «фойдаланишга қисташган» деган сўзлардан кейин «шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **27-модда иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига): ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилиши шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланганлигига қарамай ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик мuddати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун — товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи микдорда ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи микдорда, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган микдорда;

яроқлилик мuddати ўтган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун — реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи микдорда, бироқ энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган микдорда; истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун: юридик шахсларга — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йиғирма бараваригача микдорда; жисмоний шахсларга — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солиш ҳуқуқига эга».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 9 апрель  
№ ЎРҚ — 147

## КЕЛАЖАК БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ



### XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади?

Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин.

2008 йил миллатимиз тарихида энг завқли, улғу ёшлардан бири бўлиб қоладиган бўлди. Номини ўзи билан — «Ёшлар йили»!

2008 йилнинг орзиқиб кутилган баҳори ҳам ана шундай бошланди. Осмонда — ёшлар йили таровати, нафаси. Жўшқин йилнинг гуллари билан оналаримизни, она-сингилларимизни табриқлади. Оламни тўлдириб, интизор кутганимиз — кўклар келди. Баҳорий кайфиятни кўрмоқчи, туймоқчи бўлиб те-варакка боқдик. Уйдан чиқинг. Обод маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳарлар, саришта боғу май-

### ИНСОН ОМИЛИ

Биз миллий юксалишни оқ қозғондан бошлаётган миллат эмасмиз. Интеллектуал ижод ғалабалари билан оламни обод қилган, ҳам дунёвий, ҳам диний цивилизацияларга ривож берган миллатмиз.

XXI аср — нанотехнологиялар асри. Интернет дунёни ягона тўрага улади. Суперкомпьютерлар даврида яшаймиз. Моҳиятини англаш учун компьютерни шартли равишда икки қисмга — жисм (металл, пластмасса)дан ва ақл (дастурлар)дан иборат, деса бўлар. Олимларнинг фикрича,

компьютернинг дастурлари унинг «қўлиси»га қараганда 20 марта киммат туради. Чунки «қўли»ни конвейерлардан бир кунда ўн минглаб чиқариш мумкин. Бироқ, дастур — бошқа нарса. У хар қуни ясалмайди. У — инсоннинг миёнада «ясалади».

Президентимиз XXI асрни интеллектуал ёшлар асри, деб атади. «Ўшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кунидир» ширин остида мамлакатимиз олий ўқув юртилари талабаларининг фестивалини ташкил этишни таъминласин.

4. Вазирилар Мақомадига Ўзбекистон Миллий университети мажмуаси ҳудудда байрам олдидан кенг қўламадаги қурилиш ва реконструкция, таъмирлаш ишлари олиб бориш, ўқув бинолари, талабаларнинг турак-жойлари ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларини қар томонлама обод қилиш буйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш топширилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур санани ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги 258-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **47-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўққizinчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Инвестор билан давлат мулкни бошқариш буйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва бошқа мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмайди».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 9 апрель  
№ ЎРҚ — 148

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477-сонли Қонунини билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда) **238<sup>2</sup>-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

«2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарадор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови буйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса»;

2) қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 9 апрель  
№ ЎРҚ — 149

## СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Амир Темури таваллудининг 672 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Соҳибқирон номидаги хиббонда шу қутлуг сана муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимиздаги хоржий дипломатик корпу вакиллари, шоир ва ёзувчилар, олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.



### Тадбир

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқаро Амир Темури жағрамаси раиси Муҳаммад Али, Фанлар академиясининг Шарқшунослиги институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори Диплом Юсупова, Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши маданият ва маънавий-маърифий ишлар бўлими мудир Раҳматулла Гойибназаров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тойир Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавияти асосларини мустаҳкамлаш, миллий-маърифий қадриятларимизни, улғу аждодларимизнинг номларини тиклаш, ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг ва атрофлиқ ўрганиш, тадқиқ этиш, бой маънавий меросидан барчани, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш бо-

расида амалга оширилаётган ишлар ўзининг самараларини бераётганини таъкидлади. Соҳибқирон бобомиз улғулаган ва ўзининг доимий широрига айланган эзгулик, ҳамжихатлик, қатъият, бунёд-

лар ўзининг ёрқин ифодасини топаётди.

Темури ва темурийлар ҳаёти, фаолияти, маънавий мероси, жаҳон цивилизацияси тарихида тугган ўрни ва аҳамияти дунё олимлари томонидан кенг ўрганилмоқда. Бу Амир Темури соғларининг нечоғли ҳаётбахш ва долзарб экани баробарида Ватанимиз тарихи, маънавиятига бўлган қизиқишининг халқаро миқёсда ортиб бораётганидан далолат беради.

Тадбир қатнашчилари Амир Темури ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

**Н. УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири,**  
Р. ШАГАЕВ (ЎЗА)  
алган сурат.

## ЎЗБЕКISTON АФГONISTONDA TINЧЛИK ҚAROP TOPIШINI ISTAYDI

BBC Monitoring (Буюк Британия) ўзининг веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарест саммитида сўзлаган нутқида бағишланган мақолани жойлаштирди.

Унда, жумладан, «Афғонистонда салкам 30 йил давом этаётган фожели вазиятдан Ўзбекистон ташвишда эканлиги» таъкидланган. «Ўзбекистон давлати ва халқи Афғонистонда

тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишини, жафокаш афғон халқи тинч-осойишта ҳаёт

(Давоми 2-бетда).



# ТРАНСПОРТДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

### учун эндиликда жавобгарлик янада кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси маъқуллаган қонунлар орасида Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам бор эди. Мазкур қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини (МЖТК) 9-моддасига қўшимча киритилди.

Бу қўшимча Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ўн учинчи маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 117-модда биринчи ва иккинчи қисмлари санкцияларидаги жазима миқдорининг оширилишига эҳтиёж мавжуд эди. Шу тўғрисида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 121-модда биринчи қисмининг санкциясидаги "ун бараваридан беш бараваригача" деган сўзларни "ун бараваридан тўрт бараваригача" деган сўзларга алмаштиришга қаратилган.

олиш учун етарли таъсир кучига эга эмасди. Шу сабабли, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 117-модда биринчи ва иккинчи қисмлари санкцияларидаги жазима миқдорининг оширилишига эҳтиёж мавжуд эди. Шу тўғрисида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 121-модда биринчи қисмининг санкциясидаги "ун бараваридан беш бараваригача" деган сўзларни "ун бараваридан тўрт бараваригача" деган сўзларга алмаштиришга қаратилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, МЖТКнинг 121-моддасида транспорт воситаларининг икки жиҳазларига шикаст етказгани учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди. Мамлакатимизда умумий фойдаланишдаги транспорт воситаларини ҳаво, темир йўл, автомобиль ва сув транспорти ташкил этиб, уларнинг асосий вазифалари йўловчилар, бағаж ва юкни ташини, юкларни ўз вақтида ва бут хилда етказиб беришдан иборатдир. Агарда ташинида бевоқифлик юз берилганда транспорт воситаларида шикаст етказилган бўлса, бу нафақат транспорт воситаларининг ағдарлигига (фойдаланувчиларга), балки улар билан муносабатлашаётган фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларига ҳам зарар етказиши мумкин. Масалан, транспорт воситасига етказилган шикаст натижасида юк белгиланган муддатларда етказиб берилмайди ва турли хилдаги бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чораларининг таъсирчан бўлиши, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзгалар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳамда мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан бу қонуннинг вужудга келиши нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки халқ ҳўжалигининг юксалишига ҳамда юртимиз фуқаролари манфаатларини ҳимоялашга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Мамароҳим ИСРОИЛОВ,**  
Гулистон давлат университети қошидаги Янгйор академик лицейи директори, Сенат аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бинобарин, биз дастурий таъминот, технологияларнинг истеъмолчиларига эмас, уларнинг иқдорларига, ишлаб чиқарувчиларига, сотувчиларига айланганимиз керак. Акс ҳолда биз бошқаларга илмий-назарий, дастурий, технологик муте бўлиб қолишимиз эҳтимоли йўқ эмас.

Халқимизда "Бола азиз, одоби ундан-да азиз" деган мақол бор. Бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб бундан 1000 йил аввал "Одамдан азизроқ — одамгарчилик", деб кетган экан. Барча тилларда "келажак", "орзу-умид", "эртанги кунга ишонч", "ният", "режа", "мақсад" деган сўзлар бор. Бу сўзлар ўз-ўзидан ўша яна ўша "дастур"ларни эслатади. Бизни ёшларимиз, умидларимиз билан боғлайди. Ана шунинг учун ҳам ҳар сафар "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!" деганимизда ақли,

ман деган давлатларидан бири бўлди. Узро гап-у, бир нарса кишига заъв беради: Ўзбекистоннинг ер ости, ер усти ресурсларининг аксар қисмига ҳали қўл урилмаган. Энди очилади. Уинтеллектуал иқдорга киришиб бораёلمиз. Демак, бизга ҳозирнинг ўзида Жанубий Корея даражасига етиш учун икки қарра кўп имконият бор. Уларда интеллектуал иқдор ресурси чекланмаган бўлса-да, табиий ресурс чекланган эди. Бизда эса табиий ресурс ҳам, интеллектуал иқдор ресурслари ҳам чекланмаган. Мана ўйлаб кўринган, келажакнинг нақд захираси-ку, бу.

## Фидойилик

Фақат билимнинг ўзи бизни юксак марраларга олиб чиқа олмайди. Яши тарбия қурмас, одам билими ўз фойдасига, бироқ ватанининг, миллати-

## БИЗЛАРГА БЎЛАВАРАДИМИ? ЙЎҚ!

"Бизга бўлаверади", деб ўйловчилар кимлар? Улар ҳамма жабҳада "минимум"дан қониқиб яшайверадилар. "Бизга Нексия эмас, Москвич ҳам бўлаверади", электр лампочка бўлмаса, қора чирок ҳам бўлаверади; ас-фальт эмас, шағал йўл ҳам бўлаверади; табиий ресурс чекланган бўлса-да, табиий ресурс чекланган эди. Бизда эса табиий ресурс ҳам, интеллектуал иқдор ресурслари ҳам чекланмаган. Мана ўйлаб кўринган, келажакнинг нақд захираси-ку, бу.

Бир мисол. 2007 йилнинг январидан бир хонадонда бўлди. Газ яши. Аландасига — 20 см. Ловуллаб ёнапти. Ик-

қидий муносабатни, ўз-ўзини тарбиялаш, тақомиллаштиришни ўргатиш зарур.

Зеро, Ўзбекистоннинг, ўзбекистонликнинг ҳамма нарсаси зўр бўлиши керак. Шундай эмасми?

## ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ БИНО

Мавҳум нарса ўзинга чорламайди, қизиқтирмайди.

Урта аср грек таълим тамойили.

"Ўзбекистон яқин келажакда қандай бўлади?" деган саволга жавоб аниқ; Ўзбекистон овоз ва обод, эркин ва фаровон жамият бўлади. Бу жамиятти биров қуриб бермайди. Бошқа жойлардан юборишмайди ҳам. Демак, ўзимиз қураемиз. Қураемиз. Келинг, келажакка бир бино деб қарайлик. Бу

бугунги интилувчан ва бунёдкор мактабдаги БИЗ. Буни ёддан чиқармаслик жуда муҳим.

## МАҚТАНИШГА ЙЎЙМАНГ-У, БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ...

Бир физик билан суҳбатлашиб қолдик. У "Президентимиз замонавий технологиялар, интеллектуал юксалишга алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу бегоҳ эмас-да. Масалан, агар биз неохологияларни йўлга соқсак, мана шу Қизилқумларни бир челек қўмини битта Нексия нарҳида сотишимиз мумкин бўлади. Чунки бизнинг қумларимизда микроэлементлар учун керак бўлган фалон (номини атайлаб айтмайман. — М.К.) модда микдори жуда кўп", — деди. Балки физик олимимиз бир оз оширгандир. Лекин ўзбекининг бир челек эмас, беш челек қўмин миллатта 10 минг АҚШ долларини келтириб берса, ёмон бўлмас.

Ўзбекининг ҳар бир макрида бир докторлик диссертациясининг ҳикмати, эмпериқ хулосаси бор. Масалан, "Оққан дарё оқди" мақолини олинг. Биз — тўлиб-тошиб оққан дарёимиз. Бизни бир муддат тўсиб тура олишди, холос. Худого шукр, мана, яна оқа бошладик. Миллатимизни бир зум Амир Темурга, Ибн Синосиз, Навоисиз, Имом Бухорийсиз, Берунийсиз, Бобурсиз, Хоразмий, Насафий, Фарғонийсиз тасаввур қилиб кўрса бўладими? Йўқ, Муллоқ.

Бобуларимиз одам ва олам ҳақида бехисоб илм тўлдир, уларни ҳаётга қўллаб, фақат ўзимизнинг эмас, бошқаларнинг ҳам мушкулларини осон қилиб келишган.

Биргина мисол, ўтган йили Мисрда Президентимиз буюк ватандошимиз Ал-Фарғоний хайкалини очиб келдилар. Бугун миннатдор мисрликлар хайкал билан уларга бунчалар яхшилик қилган ўзбек — Аҳмад Фарғонийга, унинг Ватани — Ўзбекистонга миннатдорлик ҳисси билан ўтишадир. Президентимиз ҳар йили миллионлаб турист келиб кетадиган қадимий Мисрда ёш фарғонийларга, хоразмийларга, бухорийларга, шойийларга, самарқандийларга, термизийларга, насавийларга яна бир ибрат маъини ёқдилар. Фарғоний хайкали — ўз йили билан Ватан, миллатга хизмат қилишга, уларни шарофлашга, интеллектуал жасоратни қўйилган абадий хайкал бўлди.

Бугун улғу алломаларимизнинг исломо маданиятига, араб тили ранвақига қўшган беҳудо хўссларини ер юзи ақли билди. Бу йўли тўсилган, тўғонлар қўйилган маърифат дарёсининг йўлини Президентимиз очдилар. Тўлиб-тошиб оқадиган маърифатимиз дарёси, айниқса, ёшлар қалбида буюклик ва бунёдкорлик тўлқунларига ҳамҳанг келмоқда. Чунки, ҳозирги 6-синф ўқувчилари билан нарсаларни оталари йўлмайди. Шукур. Фарзандларимиз биздан кўра ақли, доно, билимий бўлмоқдалар. Зеро, эртанги кунимиз эгалари қудратли шахслар бўлишлари талаб этилади. Ана шу соҳибқудратлар этиқболимизни сарбаланд қилдилар. Бизнинг нури орузларимиз ушалади.

Муҳаммад ҚУРОНОВ.

заковатли ёшларимиз кўз олдимизга келаверади.

Жаҳонга ўзини, Ўзбекистонни машҳур қилаётган спортчи, билимдон, санъаткор ёшларимиз сони йилдан-йилга ортиб бораёттир. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ ўзларининг нафақат бошқалардан кам эмаслигини, балки ортиқ эканлигини исботламоқда.

"Халқ сўзи" газетасининг 2008 йил 1 март сониде Корея Республикасининг янги сайланган Президентиде Ли Мён Баннинг маърузасида чоп этилди. Маърузада у Корея давлатининг қандай шаклангани, қандай ҳимоя қилинган, мамлакат унун оғир кунларда ўз тилларининг иқтиёрий топширган оддий фуқаролар, соғуқ қандай кирғокларни нефтдан тозалашга ёлпасига қўнғилли бўлиб чиқиб, фидойилик қўрсатганини тўғрисида тўхталиб ўтган. Корея тараққийотининг устувор йўналишлари деб жаҳонда ўз ўрнини топиш, инсон ресурси сифатини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, ёшлар тарбиясига эътибор, мактабларни ривожлантириш, жамиятни билим билан қуроллантириш, иқтисодий ҳимоя ҳақида ҳам батафсил фикр-мулоҳаза билдириган. Айниқса, Корея Президентини ишонч — мамлакатнинг келажакни очиб бериш куч эканлигига алоҳида урғу берибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар натижаларини, хосис эътирофларни яқин билан ҳар бир ўзбекистонлик бу сатрлардан кўзини олиб, ўйга қўмади: Хў-ў-ўш. Корея "табиий ресурслар чекланган, иқдор чекланмаган" деган тамойилга амал қилиб, бугун жаҳоннинг мана-

нинг зарарига ишлатиши мумкин. Айтадилар-ку, тарбияламасдан туриб берилган билим — тентақнинг қўлига берилган қилгичга ўхшайди, деб. Шунинг учун бизда азалдан тарбия устувор бўлган. Айниқса, фидойилик тарбиясини. Фидоқорлик нима? "Фидоий" — "содиқ; қўнғилли; фидоқорлик — ўз иқтиёрий билан, ўзидан кечиб, берилиб, жонбозлик ва садоқат билан, берилиб ишламоқ" каби маъноларни берадир экан. Ана шунинг учун ҳам 14 ёшли ўсмирни, 20 ёшли талабани, 30 ёшли ишчи, ходим, фермерни "оддий одам" даражасидан "фидоқор" даражасига қўтаришга киришди.

Демак, энди педагогик мақсад — ёшларга фидоқорликни тушутириш эмас, фидоқорликни қўрсатиб ўргатиш, деб белгиланиши жоиз. Чунки бизга фидоқорлик ҳақида чиройли гапириб бериувчилар эмас, вазият тақозо қилган захоти фидоқорликка тайёр йилгит-қизлар керак.

Хўш, 2008 йилда қандай фидоқорлик қилиш мумкин? Бугун жон фидо қилишга зарурат йўқ. Чунки давлатимиз Ватан, фуқаро тинчлиги ҳимоясини кафолатли таъминлаётган. Мамлакат тинч, барқарор юксалаёттир. Бизга "тинчлик шароитида, меҳнатда, ўз иш жойида қўрсатиладиган фидоқорлик", яъни меҳнат фидоқорлиги лозим. Булар — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги учун, ёт, бузғунчи гоялар, информация хурурларга қарши қўнғилли, ўз иқтиёрий билан, ўзидан кечиб, жонбозлик ва садоқат билан, берилиб ишлашдир. Ана шунда биз енгилмас кучга айланамиз.

кинчи хонада эса паст — 7 см. Уй эгасидан нега бундай, деб сўрадик.

— Печанинг тепасидан бир туйнук очсак, ҳаво кириб, ловуллаб ёнапти. Болга билан бир урса, туйнук очиларди. Сал қўнғилли бўлади. Бултур 2006 йилда ҳам қўнғилли-да, деди уй эгаси. Орадан яна бир йил ўтди, 2008 йилнинг январиде. Туйнук ҳали ҳам очилмаган. Чунки "Бизга бўлаверади".

Аслида "бизга бўлаверади" ибораси ортида шахсининг ишқамаслиги, танбаллиги, лоқайдлиги, беғамлиги, ўзини, ўз ҳаёти, турмушини яхшилашдан эриниш, «қаноат», «камтарлик» ниқобидаги қатъиятсизлик, қўнғиллик, ўзини қадрламаслик, ҳафсаласизлик, файратсизлик ётади. "Бизларга бўлаверади" иллати миллатни лоқайдликка, таназзулга фарқ қиллади. "Бизга бўлаверади" иллати йўқдан йилгит-қиз ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Ахир ўз ўрни, жойини топиш учун унун сўриштириш, қидириш, қайта-қайта уриниш керак-да.

Дунёда ким "бизга бўлаверади" деб яшаётган бўлса, ҳаёти фаровон эмас, ноқор. Ким фидоқор бўлса, қўнғилли, ўз иқтиёрий билан, ўзидан кечиб, жонбозлик ва садоқат билан, ўзи ва халқи фаровонлиги учун берилиб ишлаётган бўлса, у боки-фаровон, бошқаларга ҳам ёрдам бермоқда. "Бизга бўлаверади" деган иллатнинг қасри охиқ-оқибат иқтисодий ҳаётга ҳам уради.

Қарашлари ўзгармагунча одам ўзгармайди. Бу иллатга қарши фарзандларимизда маънавий иммунитет ҳосил қилиш учун ўқувчи-ёшларга ўз характери, иродаси, қарашларига тан-

## ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 31 майдаги "Пахта чигитини етказиб бериш механизмининг ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотларини сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига қўра, пахта заводларида чигитни сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш, ҳам ашёни қайта ишлашда технология талабларга қатъий риоя этиш, шунингдек, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уларни сотиш тизими тубдан тақомиллаштирилди. Натижада, Косон туманидаги "Косонёкстракция" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан ўтган йили эл дастурхонига салкам 18 минг тонна чигит ва 1071 тонна соя ёғи етказиб берилди. Корхонанинг устувор режасига қўра, жорий йилда бу қўрсаткични яна 700 тоннага ошириш кўзда тутилган.

СУРАТДА: қадоклаш цехи ишчиси Шерзод Камолов.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.



## Фарғона томонларда

## КРЕДИТГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА

Комилжон Йўлшоёв раҳбарлик қилаётган Бағдод туманидаги «Буюк Ипак йўли» фермер хўжалиги пахта, галла ҳамда чорвачилик маҳсулотлари еттиштиришга иқтисослаштирилган.

Ҳар йили шартнома режалари ошириб бажарилди. Ўтган йили фермер хўжалиги томонидан аҳолига 20 тоннадан зиёд гўшт етказиб берилди.

Фермер хўжалиги машина паркида «ТТЗ-80», «Т-28», «Т-4» русумли тракторлар, барча русумдаги ўрим техникалари мавжуд. Яқинда фермер акционерлик тижорат «Пахтабан»нинг имтиёзли кредити ҳисобига Германияда ишлаб чиқарилган «Клаас-Доминатор-130» русумли комбайнини харид қилди.

## ЯНГИ КИТОБ ДЎКОНИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг Фарғона вилоятидаги китоб савдо марказлари қўлайиб бормоқда.

Кўни кеча Данғара тумани марказида — Тошкент — Қўқон автомагистрал буйида янги китоб дўкони фойдаланишга топширилди.

Пештахталардан акциядорлик компаниясини таркибидеги нашриётларда босмадан чиққан қизиқарли бадиий адабийлар, қўланмадан, дарсликларнинг энг сўнгги нусхалари жой олган. Шунингдек, дўкonda республика ҳамда вилоятдаги нашриётларда чоп этилган ранг-баранг нашрлар ҳам мавжуд.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

кечиришини, бу мамлакатни барча этник гуруҳлар манфаатларини ифодалайдиган ҳамда диний, миллий-этник, ижтимоий-сийсий тотувлиқни таъминлай оладиган куч бошқариши-

Афғонистон муаммоси борасидаги нуқт, интервю ва ташаббусларида ўзининг яқол ифодасини топган". Президент Ислам Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда ўтган саммитида иштирок этган-

атларини эътиборга олиши зарур. Акс ҳолда ушбу мамлакатда тинчлик ва тотувлиқни кафолатлаш жуда мураккабдир".

Мақолада "Президент Ислам Каримов нафақат Афғонистон, балки бугун муслмон оламида тоқат

ўзгаларнинг суний равишида ўйлаб топилган турмуш тарзларини ҳам қабул қила олмайди".

BBC Monitoring хабарига қўра, қайд этилишича, "ҳозир узоқда бўлса ҳам ўз манфаатини қўзлаб Афғонистон ҳақида "таш-

## ЎЗБЕКИСТОН АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ҚАРОР ТОПИШИНИ ИСТАЙДИ

ни жуда хоҳлайди". Мақолада ёзилишича, "Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтдан бошлаб, Афғонистондаги вазиятни баҳолаш, юзга келган муаммоларни ҳал этишга кўмак кўрсатиш бўйича саъй-ҳаракатларни, шунингдек, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш юзасидан аниқ таклифларни илгари суриб келмоқда. Расмий Тошкент томонидан Афғонистонга нечоғли эътибор қаратилган Афғонистон Президентини Ислам Каримовнинг

ни ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ўзбекистон раҳбари ўз нуқтда қўллаб қувватлаб бошқиларининг эътиборини Афғонистондаги вазиятга иқобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чора-тадбирларга қаратди. "Бунда энг асосий вазифа — аҳолининг халқаро коалиция кучларига ишончини қозониш. Бунинг учун улар, аввало, афғон халқининг аънавий қадрий, миллий-маданий қадрийатлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиши, кам сонли миллатлар манфа-

қилиб бўлмайдиган вазифа ва кескинлик сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мулоқо асосиз хуруж ва бухтонларга йўл қўймаслиқни гоят муҳим вазифа сифатида қўрсатиб ўтгани" алоҳида таъкидланган. "Бу масалаларга эътиборсизлик билан қараса, ҳар қандай куч, хоҳ у яққа тартибда ёки коалиция тартибда иш юритишидан қатъи назар, шак-шубҳасиз, ютқазди. Шунингдек, Афғонистон халқи демократия ва бошқа номлар билан ниқобланган,

виш" тортаётган давлатлар оз эмас. Аммо Ўзбекистон ва унинг халқи асрлар мобайнида ёнма-ён яшаб, қардош ва қариндош бўлиб кетган халқнинг хонадонига, ҳеч қандай пинҳона мақсадни қўзламаган ҳолда, тинчлик ва фақат тинчлик тилайди. Шунинг учун Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов илгари сурган таклифлар афғон жароҳатига балдам бўлади, дея умид билдиримоқдалар".

(ЎЗА).

## БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида "Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Германиянинг қишлоқ хўжалиги ва агросаноат соҳасига иқтисослашган фирма ва компаниялари, илмий тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакили тадбир иштирокчиларини мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, ўзбекистонлик ва германиялик шериклар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари билан таништирди.

Ўзбекистонда яратилган қўлай сарможий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда, шунингдек, замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Мулоқот чоғида анжуман қатнашчилари ҳамкорликни янада кўрғаштириш истифодаси, жумладан, мутахассислар малакасини ошириш, илмий-амалий тадқиқотлар, бизнес субъектлари ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйишга доир лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. — Малака ошириш бўйича "Ин-

налари билан яқиндан танишиш ниятида. Бугунги давра суҳбати Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳақида кенг қамровли маълумотлар олишимиз учун жуда фойдали бўлди.

"МПТ е.В." технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича Бранденбург институти бошқарувчи раиси, профессор Э. Клозе мазкур муассасанинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик тақрибаси мувофиқ сўзлаб берди. Шунингдек у Германия федерал иқтисодий ва таълим вазирлиқларининг муайян дастурлари доирасидаги мавжуд имкониятларга алоҳида эътибор қаратди.


Тадбир иштирокчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдириди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган қўшма тадбирлар ўтказиш мақсадага мувофиқ эканлиги қайд этилди.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири, Берлин.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Табиий офат келтирган зарар



Хитойнинг Хубэй музофотида тинимсиз ёққан ёмғир катта вайронагарчиликларга сабаб бўлди.

"Интерфакс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, ёмғирчилик боис юзага келган тошқин оқибатида саккиз киши ҳаётдан кўз юмди, 66 нафар фуқароларга эса турли даражадаги тан жароҳати етди.

Шунингдек, кучли бўрон шаҳар электр тармоғига ҳам жиддий зарар етказган.

Сайловлар бўлиб ўтди

Кеча Жанубий Корея парламенти сайловлар бўлиб ўтди.



Мамлакатдаги 13 246 та сайлов участкаси фуқароларга хизмат қилди. Жанубий Кореяда 37,8 миллион сайловчи бўлиб, улар 17 та сиёсий партиядан 1100 номзодга овоз бердилар.

Айни пайтда, бир палатали Корея Республикаси Миллий кенгашида 299 нафар депутат фаолият юритади.


Сайловнинг илк натижалари шу hafta охирида эълон қилиниши кутилмоқда.

Озодликдан маҳрум этилди

Филиппинда тўққиз нафар офицер мамлакат президенти Глория Макапагал Арройога қарши фирта кушга қўрилди.

Суд ҳарбийларнинг икки нафарини 40 йилга, қолганларини эса 12 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ишчилар ўрнида роботлар



Монидан олиб борилган тадқиқот якунига кўра, кунчиқар мамлакатда туғиш даражаси кескин камайиб кетмоқда.

Хукумат вакиллари сўзларига кўра, 2030 йилда Японияда аҳоли таркибида қариялар салмоғи ҳақиқатан ҳам кўпаяди.


Шу боис 16 фойиз ишчи кучи қисқаради.

Агар аҳоли шу даражада давом этаверса, 2055 йилда 40 фойиз японияликларнинг ёши 65 дан юқори бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

O'ZEKSPRO MARKAZ

Toshkent O'zbekiston



CAITME Central Asian International Textile Machinery Exhibition

16-18 aprel 2008

4-O'rta-Osiyo Xalqaro

KO'RGAZMA TEKSTIL USKUNALARI

Ko'rgazmaning ochilish marosimi: 16 aprel 11:00

Ko'rgazmaning ish tartibi: 16 aprel 11:30 - 18:00 17 aprel 10:00 - 18:00 18 aprel 10:00 - 16:00

Tashkilotchi: ITE UZBEKISTAN



Tel.: +(998 71) 113 01 80, faks: +(998 71) 252 51 64 E-mail: post@ite-uzbekistan.uz



«CAITME — 2008»:

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Тўқимачилик — Ўзбекистон иқтисодийоти учун стратегик аҳамиятга молик тармоқ. Сабаби, бизнинг республикамиз пахта етиштирувчи асосий мамлакатлардан бири бўлибгина қолмасдан, балки тўқимачилик хом ашёсининг барча турларини қўлаб микдорда ишлаб чиқариш салоҳиятига эга.

Қолаверса, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш ҳамда хорижий компаниялар билан шериклик муносабатларини ўрнатиш тармоқ корхоналарининг аксарияти учун долзарб масала эканлиги эътиборга олинса, Ўзбекистонда

энг яхши тадбир сифатида эътироф этилган. Бутун дунёдаги тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқарадиган ва тўқимачилик саноати учун технологияларни етказиб бериш билан шуғулланган етакчи компаниялар кўргазмага қизиқиб билдирмоқ-

гия, Италия, Буюк Британия, Хитой, Россия, Туркия, Франция, Чехия Республикаси, Швейцария, Тайвань, Хиндистон, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар бор.

«CAITME—2008» экспонатлари пахтани қайта ишлашдан тортиб пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга қўлаб берилган жараён билан боғлиқ барча турдаги тўқимачилик ускуналари, технологиялар ва сервис хизматларини тақдим этишди. Чунинчи, меҳмонлар янги чиққан тайёрлов, тўқув, йилгурув, трикотаж, пайпоқ тўйиш, бўяш, пардозлаш, бичиш, тизил, дазмоллаш ва бошқа ускуналар, эҳтиёт қисмлар, технология жиҳозлар ва бутловчи қисмлар билан танишиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, бу ерда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ёрдамчи моддалар, мойлаш воситалари ва лубрикантлар, кимёвий моддалар, буюклар намоиши қилинади.

Халқаро кўргазма олдидан

Тўқимачилик ускуналари ва технологияларнинг ихтисослаштирилган кўргазмасини ўтказиш замон талаби эканлиги аён бўлади.

«CAITME — 2008» 4-Марказий Осиё тўқимачилик ускуналари халқаро кўргазмаси 16-18 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Унда тўқимачилик машинасозлиги соҳасида етакчилик қўлаётган компаниялар аъёнанинг тарзда иштирок этишди.

«CAITME—2008» ишида жаҳоннинг 18 мамлакатидан 130 та компания катнашади. Улар орасида Австрия, Германия, Бель-

гия, Италия, Буюк Британия, Хитой, Россия, Туркия, Франция, Чехия Республикаси, Швейцария, Тайвань, Хиндистон, АҚШ, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар бор.

«CAITME—2008» экспонатлари пахтани қайта ишлашдан тортиб пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга қўлаб берилган жараён билан боғлиқ барча турдаги тўқимачилик ускуналари, технологиялар ва сервис хизматларини тақдим этишди.

Чунинчи, меҳмонлар янги чиққан тайёрлов, тўқув, йилгурув, трикотаж, пайпоқ тўйиш, бўяш, пардозлаш, бичиш, тизил, дазмоллаш ва бошқа ускуналар, эҳтиёт қисмлар, технология жиҳозлар ва бутловчи қисмлар билан танишиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, бу ерда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ёрдамчи моддалар, мойлаш воситалари ва лубрикантлар, кимёвий моддалар, буюклар намоиши қилинади.

Кўргазмада илк марта бошқа шай ишлаб чиқариш ускуналари — пиллани ёйиш ва ипак ўраш машиналари ҳам намоиш этилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Марказий Осиё тўқимачилик саноатидаги ушбу нуфузли кўргазmani UFI аъзоси — «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкори — I.T.E. Exhibitions & Conferences Ltd» компанияси (Буюк Британия) ташкил этмоқда.

Озода БОБОХОНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ. Ўзбекистон тасвирий санъати галереясидаги «Landis&Staefa» фирмасининг «DESIGO INSIGHT» дастурий таъминоти билан бошқариладиган ҳаво тозалаш тизимининг эҳтиёт қисмларини етказиб бериш ва мазкур тизим автоматикасини жорий таъмирлаш учун танлов эълон қилади.

Ташкилот ва корхоналар диққати! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ. Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 101-уйда жойлашган. «Ўзмилийбанк» Марказий офисининг қаватларидаги пол антестатик қопламалари (гилам-релин плиткаларни алмаштириш бўйича) танлов савдоси (тендер)ни эълон қилади.

Ушбу сўзга баҳор қулишида. АТ «Пахта банк». Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўзининг янги жорий этилган миллий ҳамда хорижий валютадаги омонат турларини сизга таклиф этади.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққати! Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси куйидаги объектлар бўйича очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» жамоаси директорининг биринчи ўринбосари Рихис Исаева укаси Жабборхўжа ИСАХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбек миллий кино санъати кунлари

Сўнгги йилларда миллий кино санъатига бўлган эътибор ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу санъат турининг сон ва сифат жиҳатдан тобора юқори босқичга кўтарилаётгани ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Ушбу юксак эътиборга яқинда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбек миллий кино санъати» кунларида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

УЧРАШУВ, МУЛОҚОТ, ҲИСОБОТ



Вилоятнинг Урта Чирчиқ, Покент, Бўка ҳамда Бекобод туманларида бўлиб ўтган учрашувларда ҳақиқий байрамона руҳ ҳукм сурди. Жойлардаги учрашувларда Ўзбекистон Қарамоми Зикри Мухаммадзонов, Ўзбекистон халқ артистлари Яйра Абдуллаева, Рихси Иброҳимова, танкири режиссёрлари Шухрат Аббосов, Мелис Абзалов, Собир Назармуҳаммедов сингари халқимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари, шунингдек, соҳага дадил кириб келаётган Улугбек Қодиров, Аюб Шаҳобиддинов каби кино-ижодкорлар билан эркин мулоқотлар уюштирилгани тadbирга ўзгача шухуқ бахш этди. Тадбирларда Агентлик бюроси асосида яратилган 10 дан ортиқ бадий, 20 дан зиёд ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

уйдга ўтказилган учрашувларда кўп сонли кино мухлисларнинг қувон-шодлиқларига гувоҳ бўлдик. Томошабинлардаги миллий кино санъатига бўлган ҳурмат-эътибор, қизиқиш кино-ижодкорларга берилган кўлаб саволлардан яққол сезилди. Айниқса, тумандаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўзларидаги ҳавас, иштиёқ, улардаги мамнун кайфият тадбирнинг мазмунли ўтганидан далolat берди.

Кино-ижодкорлар, шунингдек, мамлакатимиздаги энг йирик сановат корхонаси бўлмиш Бекобод металлургия комбинатида бўлиб, ишчи-ходимлар билан учрашди. Уларнинг иш шaroитлари билан яқиндан танишиб, турли саволларига жавоб берди.

Комбинатимиз жамоасининг кино санъатига бўлган ҳурмати чексиз, — деди Бекобод металлургия комбинати Бош директори А. Пармонов. — Сўнгги йилларда яратилаётган фильмларни ишчи-ходимларимиз катта қизиқиш билан кўришаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, ҳар бир киноасар томошабинга маънавий озуқа беришини барчамиз яхши биламиз.

Худди шундай учрашувлар Фарғона вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбек киноси иждоқорлари Учқўприк, Бағдод туманларида, Маргилон шаҳрида бўлишиб, мухлислар билан юзма-юз мулоқотлар қилишди. Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» мухлислар учун кўп йиллар давомида эслаб қוריшга аризилик унутилмас таасуротларни ҳада этди.

Тоҳир ШОМУРДОВ.

Китоб дўкони 1997 йилда «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган. Дастлабки йилларда китоблар тури кам, устига-устак, китобхонларга намунали хизмат кўрсатиш учун шартшaroит етишмасди. 2006 йилда муассасанинг мукамал таъмирланиши натижасида замонавий китоб дўконига асос солинди. Шундан сўнг, китоб рaсталари ва пештахталар кўпайтирилди. Китобхонларга китоб етказиб бериш хизмати ҳам анча яхшиланди. Энг муҳими, китоб савдоси билан шуғулланувчи малакали мутахассислар жалб қилиниб, китоблар тарғиботида катта эътибор қаратилди.

Дарвоқе, китоблар марказида ўқувчиларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини ўрганиш бўлими ишлаб турибди. Булимда ўқувчиларнинг истак ва талаблари доимий равишда ўрганиб берилмоқда. Шу каби иштиқобли ишлар китоблар хилма-хиллигини ошириш билан бирга ўқувчи билан ношир, қолаверса, иждоқорлар ўртасидаги риштаннинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир қилаётти. Шунингдек, иждоқорлар билан китобхонлар ўртасида китоб байрамларини уюштириш анъана тусига кириб қолди. Учрашувларда адиб ва шоирлар ёшларга китобнинг ҳосияти, илм ўрганиш фараз эканлигини ўқитиб боришди.

Ўтган йилдан бошлаб машҳур иждоқорларнинг «Дахлат кун»ни ўқизиш йўлга қўйилди. Бу тадбир ҳам ёшларни китобга, маърифатга ошно қилишда жуда кўл келмоқда. Ахир, забардаст адиблар билан юзма-юз бўлиш ўқувчи учун ўзига хош байрам эканлигини тасаввур қилиш кийин эмас.

Кейинги йилларда китобларнинг тури, сифати, дизайни ва муҳими, бадий савияси охиб бораётти. Биргина мисол, 2006 йилнинг бошида китоб марказида 1000 номдан ортиқ китоблар сотувага чиқарилган бўлса, эндиликда уларнинг сони 4000 дан ошди.

МАЪРИФАТ ҚУЁШИНИ ТЎСМАНГ!

Қадимги мисрликлар, кутубхонани қалб дорихонаси, деб атаганлар. Ушбу турмуш ҳикмати инсониятнинг ҳаётий амалиётларидан келиб чиқиб айтилган рoст. Зотан, қалбга турли «касаллик» ин қурмаслиги фақат китоб мутолаасигагина боғлиқ. Китоб кишини улуглайди, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини, инсонийлик мартабасини эгаллашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам маърифатпарвар салафларимиз илм эгаллашни ҳаёт-мамoт масаласи деб билганлар. Минглаб китобсеварларнинг маънавий кўмакчиси бўлиб келаётган пойтахтимиздаги «Шарқ зиёкори» китоблар маркази ҳам боболаримиз орзулаган мақсаднинг амалий ижобатидир.

Шулардан 2500 номдан зиёди мамлакатимиз нашриётларининг махсусоти-дир. Зотан, юртимизда ноширлик ва матбаачилик соҳасининг жадал ривожланаётгани аниқ рақамлардан ҳам билса бўлади. Кун мобайнида 200-250 нафар ўқувчиларнинг турли хил адабиётларни харид қилаётгани ҳам бу фикрни исботлайди.

— Бу ерга тез-тез келиб тураман, — дейди китоб мухлиси Б.Фазлиддинов. — Боиси, янги, бадий баркамол китобларни топиш имкони бор. Уларнинг бари кишининг диди ва маърифатини оширади. Агарда сиз илаган китобни топа олмасангиз марказ раҳбарларига тақлиф киритишингиз ҳам мумкин.

«Шарқ зиёкори»нинг барча вилоят марказлари ва қатор олий таълим муассасаларида филиаллари ҳамда кўма дўконлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур зиё масканлари ҳам ўз

вақтида янги адабиётлар билан таъминланиб борилаётти.

— Минтақавий филиалларимизнинг сони 42 тага етди, — дейди «Шарқ зиёкори» китоблар маркази директо-

Мулоҳаза

ри Равшан Ҳамзаев. — Китоб дўконлари замонавий шарт-шaroитларга эга. Уларда ўз касбини қадрлайдиган, асосийси кишиларга илм-зиё улашиш улуг вазифа эканлигини чуқур англаб етган ходимлар ишлашади. Мутахассислар йилда бир мартаба Бозор муносабатларини ривожлантириш марказида маркетинг, савдо маданиятини юксалтириш бўйича малакасини ошириб қайтадилар.


Китоблар маркази Россия, Қозоғистон каби давлатларнинг нуфузли нашриётлари ҳамда китоб савдоси

ташкilotлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шу йўсинда, йилга минглаб китоблар айрибошла-ниб, тақриблар ўрганилади.

Ёшларимиз ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун мамлакатимизда етарли шaroитлар яратилаётти. Замонавий таълим даргоҳлари бунёд этилиб, уларда ёшларимиз дунёвий илмлардан воқиф бўлишяпти. Фарзандлар қамоли йўлида ҳеч нарса аялмайётган бир пайтда пойтахтимиздаги одам гавжум айрим бозорларда китоб сотиш учун жой топилаётганини қандай баҳоламоқ керак?

— Аниқроғи, — дейди марказ директори Р. Ҳамзаев. — Тошкент шаҳар ҳокимиятининг савдо хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг руҳати билан 2005 йилда пойтахт бозорларида кўчма китоб дўконлари ташкил этилган. Бу ҳаракат ўтган вақт ичида ўзининг ижобий самарасини берди. Аммо, жорий йилдан бозорлардаги китоб рaсталари фаолияти тўхтади. Боиси, бозор фондида китобдан тушаётган фойда бошқа махсусотларни қараганда анча кам эмиш. Ахир, китобни қарошқа ёки пивёга тенглаштириб бўлмайди-ку!

2007 йилнинг 23 октябрида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш бо-



расида эришилган натижалар, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чоралари изланиб, тегишли қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда, ҳар бир туман ва шаҳар марказида қамда биттадан йирик китоб дўкони бўлиши ва самарали ишлашига эришиш мақсадида ўша худудлардаги тадбиркор-ишбилармонлар кучи ва имкониятидан фойдаланиш чоралари қўрилиши айтиб ўтилган. Мазкур ҳужжатнинг имзоланганига салкам олти ой бўляптики, айрим маҳаллий ҳокимликлар ҳали бирорта ташаббус кўрсатишганича йўқ.

Хуллас, ҳар бир киши ўзини ва дунёни таниб яшамоғи керак. Ўзини англаш эса китоб мутолааси натижасида ҳосил бўлади. Шу маънода маънавият, маърифатни тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланмоғи лозим.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for NURON computers and servers. Includes text: 'Успех - дело техники!', 'FUJITSU COMPUTERS SIEMENS', 'NURON', 'Всемирная гарантия до 3-х лет!', 'Сделано в Германии', 'Серверы и компьютеры для решения любых задач, а также широкий выбор ноутбуков от бюджетных до ЭЛИТНЫХ!'.

Advertisement for «ПАХТАКОР»НИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ. Includes text: 'Осиё чемпиoнлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» жамоаси кеча «Д» гуруҳидаги биринчи ғалабасини нишонлади.', 'Сўнгги соатда', 'Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиoнни пойтахтимиздаги МХСК стадионида Ироқнинг «Арбил» жамоасини қабул қилди.', 'Шунингдек, кеча Осиё чемпиoнлар лигасининг «А» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Курвечи» жамоаси ҳам Сурияда «Ал-Иттиҳод» футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди.', 'Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.'

Advertisement for Minsk Automobile Plant. Includes text: 'МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ', '«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) тақлиф этади.'

Advertisement for Minsk Tractor Works. Includes text: 'МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ', '«МАЗ» ва АМКОДОР ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.', 'Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru'

Advertisement for Geology and Mineral Resources Department. Includes text: 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТИ', '29-30 апрель кунлари маҳаллий ва хорижий инвесторларни Ўзбекистон Республикасининг табиий бойликларини ўзлаштиришга фойдали инвестициялар киритиш имкониятлари билан таништиришга бағишланган «Ўзбекистон қаттиқ фойдали қазилмаларининг инвестиция салоҳияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилишини маълум қилади.'

Advertisement for Uzbekenergo DAK tender commission. Includes text: '«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ', '«Истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш дастури мажмуи»ни сотиб олиш бўйича очиқ тендер ўтказилиши муддати узайтирилишини маълум қилади.', '233-49-16, 236-94-79.'

Advertisement for telephone equipment. Includes text: 'Телефон аппаратлари улгуржи савдоси', '1 йил қафолат', 'Кенг моделлар қатори', 'Корхоналар билан ишлаймиз', 'Дилерларни ҳамкорликка тақлиф қиламиз', 'Телефонлар: 8 (371) 234-25-97, 150-02-21, +998 (90) 370-18-30. e-mail: mirada\_tashkent@mail.ru'

Advertisement for Uzbekistan Geology and Mineral Resources Department. Includes text: 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ', '2008 йил 10 — 17 апрель кунлари соат 10.00 дан 17.30 гача ташкил этадиган Давгеолқўм саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасига тақлиф этади.', 'Манзил: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 11-«А» уй. Маълумот учун телефонлар: 256-04-98, 256-86-53.'

Advertisement for INTER-PRESS. Includes text: 'INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР', '119-0000, 119-8383, 155-0955', 'Тошкент ш., Навоий кўч. 13. e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz'

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes text: 'Халқ сўзи Народное слово', 'МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси'

Advertisement for Boz Muxarrir Utkir Raxmatov. Includes text: 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', '2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2', 'ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.'

Advertisement for 'Шарқ' newspaper. Includes text: '«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 22.35', 'Манзил: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 11-«А» уй. Маълумот учун телефонлар: 256-04-98, 256-86-53.', 'Манзил: Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 32-уй. Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматов. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббаев.', 'Тижорат материал', 'Тошпирлиди — 23.30 1 2 3 4 5 6 7'